Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 104 (7. 193) 1990 йил 8 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

КЕКСАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг таклифига биноан уруш ва меҳнат кексалари Кремлга келдилар. Улар совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигига бағишланган учрашувда иштирок этдилар.

Меҳмонлар орасида ўз аскарларини Берлинга қадар олиб борган ва нафақат совет тупроғини, балки Европанинг ярмини озод қилган полк ва дивизияларнинг собиқ командирлари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденининг тўла соҳиблари бор эдилар. Бу ерда фронт ортининг меҳнаткашлари, фронтга танклар, самолётлар, қурол-аслаҳалар етказиб берган кишилар ҳам бор эдилар.

Ана шу учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот марказий рўзномаларда эълон қилинган.

ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!



⊙ БУ КИШИЛАР турли касб эгаларидир. Аммо уларни бир нарса метиндек бирлаштириб турарди. У ҳам бўлса кексайиб қолганларига қарамай ҳаётга, она-юртга бўлган чексиз муҳаббатдир. Кўкракларини орден ва медаллар безаб турган, юзларидан нур ёғилиб турган бу кишилар бугун ҳам ёшлар билан бир сафда фидокорона хизмат қилишмоқда, улар Улуғ Ватан уруши Ғалабасининг 45 йиллигига меҳнатда муносиб совғалар тайёрлашди. Бу кишилар тинч меҳнатнинг қадрига етишмоқда, ўзларининг ибратли ишлари билан бошқаларга ҳамиша ўрнак бўлишяпти.

Мана, улар билан танишинг: Василий Петрович Машков (чапда) шофер бўлиб ишлайди, у Акмал Икромов районидаги жисмоний тарбия ва соғломлаштириш комплексида меҳнат қилмоқда. Василий Макарович Шестопаловни 2-автокомбинатдагилар моҳир ҳайдовчи сифатида яхши билишади. Марк Григорьевич Случ эса «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош мутахассиси ҳисобланади. Тожибой Тешабоевич Шамсиев «Узпишчепромтранс»да катта тафтишчи, Абдужаббор Мухторов эса булка-кондитер комбинатида посбон бўлиб ишлайди.

Т. Каримов суратлари.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ НОГИРОНЛАРИГА, ҚАТНАШЧИЛАРИГА, БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА ВА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш учун:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилда Улуғ Ватан уруши ногиронларини ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминласинлар, 1991 йилда эса Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган кишиларни уй-жой билан таъминласинлар.

1990 йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинсин. Улуғ Ватан уруши ногиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларнинг коммунал хизмат (сув, газ, электр ва иссиқлик энергия таъминоти) ҳақини тўлашга, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун аҳолига сотиш учун белгилаб қўйилган норма доирасида харид қилинадиган ёқилғи ҳақига жорий этилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар:

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳозирги вақтда яшаётган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб топширсинлар.

1990 йил давомида Улуғ Ватан уруши ногиронларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, 1991 йилда эса барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг уй-жой-маиший шароитини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой қуриш ва ремонт қилиш йўли билан яхшиланиши таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1990 йилда:

1990 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлиги системасидаги уруш ветеранлари учун санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланишга, дори-дармонларга ва юмшоқ жиҳозларга харажатлар нормасини Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпиталлари учун кўзда тутилган нормаларга тенглаштирсин;

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга шахсий фойдаланиш учун сотишга бозор фондидан 1750 та енгил автомашина ажратсин;

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлигига биринчи группа ногиронларига коляскалар сотиб олиш учун 100 минг сўм миқдорида чет эл валютаси ажратсин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари 1990-1991 йилларда 1990 йил 1 январигача ҳисобга олинган барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчиларнинг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг квартиралари телефонлаштирилишини таъминласинлар.

Министрликлар ва идораларга марказлаштирилган моддий рағбатлантириш фонди маблағидан, корхоналар ва ташкилотларга — моддий рағбатлантириш (меҳнатга ҳақ тўлаш ягона фонди) фондлари маблағларидан, ноишлаб чиқариш соҳасидаги муассасаларга эса смета харажатларини тежаш ҳисобидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини шу йилнинг май ойидан кечиктирмай қиймати 100 сўмгача турадиган эсдалик совғалар билан мукофотлашга рухсат этилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ишламаётган пенсионерлар учун ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағ ҳисобидан совға сотиб олсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети социалистик Ватанни ҳимоя қилишда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч даража Шуҳрат орденлари билан мукофотланган жангчиларнинг алоҳида хизматларини ҳисобга олиб, уларнинг уй-жой шароитларини, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишнинг 1990 йилга белгиланган тадбирларини биринчи навбатда бажаришни таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

АСРЛАР БЎЙИ СЎНМАЙДИГАН ЖАСОРАТ

СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари — Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони армия генерали П. Г. Лушевнинг ТАСС мухбири М. Захарчук саволларига қайтарган жавоблари

— Петр Георгиевич, биз Ғалабанинг 45 йиллигини жамиятимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар даврида нишонлаяпмиз. Халқаро вазият мураккаб ва чигал. Ҳозир биз ўтган урушнинг якунини қандай идрок этаяпмиз?

— Жамиятимиздаги инқилобий силжишлар, халқаро муносабатларни янги сиёсий тафаккур руҳида қайта қуриш кўп жиҳатдан уруш йилларининг тарихий сабоқларига янгича нуқтаи назардан қараш имконини беради. Ҳозир урушнинг номаълум саҳифалари очилмоқда, муҳим ҳарбий-тарихий муаммолар ўртага қўйилмоқдаки, улар ҳам билим олиш, ҳам амалий жиҳатдан диққатга сазовордир.

— Шу билан бирга 1418 куну тун давом этган уруш биздан йироқлашган сари унинг теварагидаги мафкуравий кураш тобора шиддатли тус олиб бормоқда.

— Бизнинг бурилиш давримиз ижтимоий турмушнинг, шу жумладан тарихнинг ҳамма муаммоларини кескинлаштириб юборди. Ўтган уруш аллақачон тарих бисоти бўлиб қолганлиги тўғри, аммо бу тарих ҳозирги кун билан чамбарчас боғланган ва келажакка ҳам таъсир ўтказадиган жонли воқеликдир. Бу фикрни исботлаш тафсилотига берилмай, атиги бир мисолни айтиб ўтмоқчиман: айтайлик, ҳозир Германия муаммоси яна Европа сиёсатининггина эмас, жаҳон сиёсатининг ҳам марказига ўтиб қолди. Ғарбда совет халқининг тарихий жасоратини қоралаб кўрсатишга, шубҳа остига қўйишга интилаётган, миллион-миллион совет кишилари курашиб жон фидо қилган олий мақсадларни йўққа чиқаришга уринаётган кучлар яна бош кўтараётганлиги тасодифий ҳол эмас.

Ўз мамлакатимизда ҳам бирмунча тарихчилар, адиблар ва журналистлар сохта обрў орттириш пайига тушиб, ҳамма нарсани «қайта идрок этиш», — «қайта баҳолаш» ва рад этиш учун жонжаҳдлари билан киришганликлари хусусида таассуф билдирмоқ керак. Тарих майдонида арзон шуҳрат қозонишга бел боғлаган бу кимсалар ҳафсала билан тузукроқ тадқиқ қилишдан, ҳақиқатни холисона излашдан йироқда туришибди.

Улуғ Ватан урушининг бориши ва якунига баҳо бериш теварагидаги мафкуравий кураш кескинлашувига олиб бораётган яна бир вазият бор. Бу урушнинг кўпгина муаммолари узоқ вақт мобайнида тилга олинмай келинди ёки сохталаштириб кўрсатилди. Бу — аввало, уруш арафаси билан боғлиқ масалалар мажмуасидир.

Ўша пайтдаги муаммоларни ҳал этишнинг бошқа йўллари борлиги тўғрисидаги масалалар хусусида неча ўн йиллар давомида деярли ҳеч гап айтмай келинганлиги ҳам ҳақиқатдир. Сталин даврида социализм бузилганлиги, армия ва флотдаги, фан ва ишлаб чиқаришдаги оммавий бедодликлар давлатнинг мудофаа қобилиятига, унинг урушга умумий тайёрлигига қандай таъсир қилганлигини ҳам деярли ўрганмадик. Бизнинг тарих фанимиз бошқа бир қанча масалаларни ҳам чалакам-чатти ўрганди ёки мутлақо ёритмади. Масалан, 30-йилларда урушнинг олдини олиш учун вужудга келтирилган воситалар нега иш бермади, бунда Совет Иттифоқининг ва капиталистик мамлакатларнинг қанчалик айби бор; фашизм агрессиясини жиловлаб қўйиш соҳасида АҚШ, Англия, Франция, СССРнинг позициялари ва кўпгина ҳаракатлари изчил бўлмаганлигини қандай изоҳлаш керак. Иккинчи жаҳон урушининг, сўнгра эса Улуғ Ватан урушининг бошланишида Ғарб мамлакатларининг ва ўз мамлакатимизнинг қайси ҳарбий сиёсий хатолари ҳалокатли роль ўйнади?

Мюнхень тил бириктирувидан кейин ва Англия — Франция — Совет музокаралари барбод бўлганидан сўнг икки фронтда уруш олиб бориш хавфи олдида якка-ёлғиз қолган Совет Иттифоқи ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида Германия таклиф этган шартномани имзолашга мажбур бўлди. Кўп йиллар давомида биз совет раҳбариятининг бу тадбирини фақат ижобий баҳолаб келдик. Аммо бу ишнинг бир талай салбий жиҳатлари ҳам бор эди. Бу шартнома СССРнинг халқаро обрў-эътиборига зиён етказди, фашизмга қарши кучларни заифлаштирди ва уларга нотўғри йўл кўрсатди ҳамда уларни йўлдан оздирди. Бунинг устига шартнома совет халқининг ҳушёрлигига ҳам яхши таъсир қилмади, чунки энди ўта сўл унсурлар қандай даъво қилмасин, уруш арафасида Сталин ва унинг сафдошлари халқ орасида бенуқсон обрў қозонган эдилар. Улар нақадар жиддий хатога йўл қўйганликларини биз эндигина билиб турибмиз, у пайтда эса совет раҳбариятининг ҳар бир қадами бирдан-бир тўғри қадам, деб ҳисобланар эди. Ҳолбуки, совет раҳбариятининг сиёсатида урушни даф қилиш хусусида аниқ бир фикрлар мажмуаси йўқ эди, бу соҳадаги кўпгина ишлар етарли равишда асосланмай туриб, баъзан эса қандайдир ички сабаблар билан қилинган эди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш ва ёзиш керак. Бироқ шуни унутмаслик керак, бизнинг мамлакатимиз фашистлар босқинчилиги йўлига тўсиқ қўйишга амалий равишда ҳаракат қилган бирдан-бир мамлакат бўлиб турган эди.

— Уруш бошларида СССР билан фашистлар Германияси кучларининг нисбати қандай эди ва бу нисбат қандай ўзгариб борди? Жанговар ҳаракатларнинг илк давридаги муваффақиятсизликларимизнинг сабаблари нима?

— Фашистлар Германияси 1940 йилнинг июнидаёқ СССРга қарши урушга бевосита тайёргарлик кўра бошлагани маълум. Уруш ҳаракатлари бошлангунча, у қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтирди. Немис қуролли кучларининг таркиби 7,3 миллион кишигача кўпайтирилди, уларнинг ихтиёрида 209 та дивизия бор эди. Шундан шарқда уруш олиб бориш учун бевосита 5,5 миллион киши ва 190 та дивизия, 4300 та танк, салкам 5000 та самолёт, 41,12 мингта тўп ва миномёт, 192 та ҳарбий кема ажратилди.

Фашистлар агрессияси бошланган пайтда бизнинг қуролли кучларимиз 303 та дивизия, 23,2 мингта танк, 19,8 мингта жанговар самолёт, 94 мингтадан кўп тўп ва миномётга эга эди. Бироқ ғарб томонида атиги 179 та дивизия ва 14 та бригада, 10,6 мингта танк, 7,8 мингта жанговар самолёт, 3,9 мингта тўп ва миномёт бор эди.

(Давоми 2-бетда).

XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси олдидан

Сўз—делегатларга

КОММУНИСТЛАР КЎМАГИДА

Х. АЗИМОВ,

7-АВТОХЎЖАЛИК ДИРЕКТОРИ.

— Шаҳар коммунистларининг мазкур анжуманига қадар хўжалигимиз партия комитети муаммоларимизни яна бир бор қараб чиқди. Пухта тадбирлар белгиланди. Бунда албатта жамоамиз 46 коммунистининг фикр ва мулоҳазалари ўз ўрнини топди. Уларнинг ҳисобот йиғилишларида қўйган фикр, таклифлари жуда кескин бўлиб, ҳаққоний ҳам эди.

Хўжалигимиз ҳайдовчилари асосан А. Икромов ва Чилонзор районларида 2, 13, 41-каби жами тўққизта маршрутга хизмат қилади. Зиммамиздаги режалар одатдагидек бу йил ҳам паст бўлаётгани йўқ. Биргина охирги тўрт ой ичида нормадаги 12 миллион 161 ўрнига 12 миллион 669 минг нафар кишини манзилига элтиб қўйдик.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳам ўтган йилдагига нисбатан 4 фоизга ошди. Муҳими, ҳайдовчиларимиз иш ҳақида ўсиш натижаси кўринди ва фуқаролар арзи-ҳоли 50 фоиз камайишига эришилди.

Бу билан жамоамиз ҳамма нарсада тўла-тўкисликка эришиб қўйди, демоқчи эмасман. Жумладан, йўл қатнови режасини ҳам ҳозиргача бажаролмай келамиз. Қачонки, ҳайдовчилар ўртасида аҳиллик, меҳнат интизоми барқарор бўлмас экан, ҳаракат қатнови нормасининг ошиши мушкул. Хўжалик маъмурияти олдида, диққат-эътиборида турган энг оғир нуқталардан бири ҳам шу. Буни албатта қуруқ гап билан ҳал қилиб бўлмайди. Яратилган яхши қулайлик билангина ҳайдовчилар ўртасидаги норозилик ёки тартибсизликни бартараф этиш мумкин. Мана яқинда автобуслар учун назорат пунктини ишга тушириш арафасидамиз. Сауна, душхона каби қатор шароитларга эга бўлган маиший комплексимиз қад кўтармоқда. Кунига 20 нафардан ҳайдовчимиз бўлса тармоқ нозирлигимизга қарашли тиббий оромгоҳда даволаниб, дам олиб қайтиб келмоқда. Оҳангарон ҳудудидан ҳоҳлаган ишчи-хизматчиларимизга дала ҳовли учун ер ажратиб бериляпти.

Хуллас, ютуқларимиз билан теппа-тенг камчиликларимиз ҳам анчагина. Бундан сира кўз юмолмаймиз. Бироқ эҳтиёт қисмга нисбатан танқислик ечимини тополмаётган муаммо бўлиб келяптики, барча кўрсаткичларимизнинг орқага тортилаётганига ҳам шу сабаб. Албатта, ишимизга халал бераётган талайгина камчиликларни санаб ўтиш билан иш битмайди. Бироқ айтганимдек, эҳтиёт қисмга танқислик шу қадар имконсиз ҳолатларни вужудга келтириб ҳам қўяяптики, буни зарур бўлса, конференция минбаридан туриб ҳам айтган бўлардим.

«Икарус» сингари автобусларимиз фақат чет эл қисмлари билан ишлайди. Негадир охирги пайтларда буни ўз вақтида ололмаяпмиз. Натижада автобусларнинг тўхтаб қолиш ҳоллари кўп бўлаяпти, қатнаш кўрсаткичларимиз ўз-ўзидан пасайиб кетяпти.

НАТИЖА КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

Ф. МАЛИКОВ,

булка-қандолатчилик комбинати партия комитетининг секретари.

— Одамлар билан ишлаш ҳозирги пайтда анча енгиллашди. Ҳа, ишонаверинг. Чунки улар амалий ишларнинг натижасини кўра бошладилар. Бу ўринда мен ўз корхонамиз жамоасини назарда тутаяпман. Одамлар энди фақат талаб қилибгина қолмай, ўзлари бошлаган ташаббус, бош бўлган иш қанчалик қулоч ёзишини англаб етдилар. Бизда бугун ҳар қандай ташаббус ёки таклифнинг «паст»дан «юқори»га чиқиши ва айни пайтда уни амалга ошириш одат тусига айланиб қолди. Мана масалан, Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари вазирлигининг партия ташкилоти ҳамиша бизга пешвоз чиқади. Ташкилотнинг котиби Суннат Бекбоев эса фойдали ва замонга хос маслаҳатлари билан ўртоқлашиб туради.

Ҳал қилинмай қолиб кетаётган ишларингиз нимада дедингиз? Мана новвойларимиз ҳали ҳам шу бугунги қувватда ишлаб келади. Маҳсулотга нисбатан ўсиш қувватчи-чи? Ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Макарон цехидаги ускуналарни чет давлатники билан жиҳозлашни тезроқ тамомлашимиз зарур. Саралаш ишлари бизда асосан қўлда бажарилади. Бунга ҳам биз коммунистлар бирлашиб тез орада якун ясаймиз.

Қанчалик зиқ паллада бўлишига қарамай, бошланғич партия ташкилотларимиздаги йиғилишлар коммунистларни саросимага солиб қўйгани йўқ. Йиғилишларга коммунистлар айтмоқчи бўлган гаплари билан тайёр бўлиб келдилар ва муаммоларни санабгина қолмай, таклифлар киритдилар, бирлашма партия комитети шаънига танқидий фикрларини билдирдилар. Бу ҳам бўлса келгусида гапдан ишга ўтишимизда замин тайёрлайди. Умуман, корхона партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва бу ердаги коммунистлар ишларида қайта қуришни бугун ё кеча бошлаганлари йўқ. Кўп йиллардан буён қандолатчилар оддий ускунага ҳам ёлчимаган бўлса, эндиликда янги қайнатиш мосламаларига эга новвот цехи, дам олиш хонаси, руҳий ҳордиқ чиқариш ва аёллар гигиенаси каби хоналар ишга туширилди.

Эндиликда, съезд тобора яқинлашиб келаётган паллада жойлардаги коммунистларнинг анжуманлари аниқ ишлар юзасидан ҳисоб беришни талаб қилиб қўйяпти. Амалий иш билан пешвоз чиқишгина биз коммунистлар зиммасида турган вазифа бўлиб қолмай, давр талаби ҳамдир.



⊙ АНЖУМАН ДЕЛЕГАТИ. «Миконд» заводининг ёш ишчиси, XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясининг делегати Аваз Саидов.

МАЙ, ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

Бу ерда эрталаб соат 11 да совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 45 йиллигига бағишланган бадиий, ҳарбий-спорт байрами бошланади.

Байрамда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари, ДОСААФ спортчилари, Муқимий, оперетта, «Ўзбекистон» театрларининг артистлари, республика эстрада-цирк санъати студиясининг, техникумларнинг талабалари, ўқувчилар иштирок этадилар.

Мусиқа садолари тантаналар бошланишидан далолат беради. Отчопар устида турли рангли парашютлар пайдо бўлади. Мудофаа жамиятининг спортчилари ўз маҳоратларини намойиш қилишни шундай бошлайдилар.

Чавандозларнинг чиқишлари, турли мусобақалар ҳар галгидек шодиёнага ўзгача завқ бағишлайди.

Шаҳарнинг ўзида Ғалаба байрамига бағишланган қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва профессионал санъаткорлар А. Навоий, Хадра майдонларида, К. Маркс кўчасида байрам концертлари кўрсатишади.

Йиғма ҳарбий оркестр ижрочилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Уларнинг чиқиши В. И. Ленин номидаги майдонда бўлади.

Халқ сайли кеч соат 22 да бошланадиган байрам мушак-бозлиги билан тугайди.

45 АСРЛАР БЎЙИ СЎНМАЙДИГАН ЖАСОРАТ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Шу рақамларни таҳлил этиб, мамлакатимизнинг ҳарбий-иқтисодий мустақиллиги асосан таъминланган эди, деб айтмоқ керак. Бироқ СССРнинг тажовузни даф қилишга тайёргарлиги тўла-тўкис ниҳоясига етказилмаган эди. Совет Иттифоқининг автомат қуроллари, танкурар воситалари, ҳарбий машиналари, радио асбоб-ускуналари, самолётсозлиги сон жиҳатидан ҳам, сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам Германиянникидан анча орқада эди.

Ҳарбий қурилишда йўл қўйилган катта-катта хатолар аҳволни баттар мушкуллаштирар эди. Биз танк ва моторли корпусларни 1940 йилнинг май ойидагина қайта тиклай бошладик. Отлиқ армиянинг аҳамиятига ортиқча баҳо берилди. Тўпларнинг кўпгина қисми от-уловга қўшилар эди. Авиациянинг 80 фоизи эскирган типдаги самолётлардан иборат эди. Осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари пировардигача қайта ташкил қилинмаган эди. Ҳарбийлар бошига жабр-зулм солиниб, уларнинг энг яхшиялари қирғин қилинганлиги ҳақида гапириб ўтдик. Чегаралар суриб қўйилганлиги ҳам Қизил Армиянинг жанговарлик қобилиятига салбий таъсир қилди. Ҳар ҳолда бу чегаралар аввалгисидан кўра анча ёмон мустаҳкамланган эди.

Ҳарбий доктринамизда ҳам нуқсонлар кўп эди. Мудофаага, душманга етарли баҳо берилмади, унинг имкониятлари камайтириб кўрсатилди. Қизил Армиянинг жанговарлик имкониятлари эса, аксинча, бўрттириб юборилди. Ғарбий чегаралардаги ҳарбий-сиёсий вазиятга холисона баҳо берилмади, Гитлер уруш бошламайди, деган пуч ишончга амал қилинди. Сталин ўз теварагида шундай вазиятни вужудга келтирдики, ўз атрофида шундай кишиларни тўпладики, улар унга ё кўр-кўрона ишондилар, ё ўз мавқеларидан хавфсираб, унга ёқадиган гапларнигина айтдилар. Уруш ҳаракатлари майдонларида вужудга келтирилган кўшин гуруҳлари на ҳужум, на мудофаа вазифаларининг талабларига жавоб берар эди. Энг муҳими шуки, мазкур кўшин гуруҳлари жанговар тайёр ҳолатга келтирилмаган эди.

Бироқ, ҳар қандай бўлганда ҳам, биз уруш бошланишидан олдинги йилларда келажакдаги ғалабамиз учун объектив шарт-шароит яратилганини тан олмоғимиз керак. Ҳа, башарти совет раҳбариятн кетма-кет кўпол хатоларга йўл қўймаганида уруш мутлақо бошқача йўлдан ривожланиши, анча қисқа муддатда тугаши, камроқ қурбон берилиши мумкин бўлур эди. Бироқ тарихнинг истак фъели йўқлиги маълум. Оқибат натижада биз барибир ғалаба қилдик.

Уруш қандай ривожланиб борганлиги ҳам маълум. У саккизта кампаниядан: иккита мудофаа, олтита ҳужум кампаниясидан ва турли миқёсдаги ўзаро операциялардан иборат бўлди. 1941 йилда чегара жанглари ва Смоленск олишуви, Одесса, Севастополь, Киев ва Ленинград мудофаси бўлди. Москва остонасида немисларнинг яшин тезлигидаги уруш режаси чиппакка чиқарилди. Кейинги икки йил ичида Харьков-Барвенково жанги, Ржев ҳужум операцияси содир бўлди, Сталинград жанги урушда туб бурилишга асос солди, Курск жанги ва Днепр учун бўлган жанг туб бурилишни ниҳоясига етказди.

1944 йилда уюштирилган ўнта жуда катта ҳужум операцияси совет днёрини тўла-тўкис озод қилишга ва Совет Армиясининг халоскорлик юришн бошланишига олиб келди. Урушнинг сўнгги йилидаги олтита стратегик операция, шу жумладан Шарқий Пруссия, Висла-Одер, Вена, Берлин ва Прага операциялари каби ҳал қилувчи ҳужумлар урушни тўла ғалаба билан якунлади.

Уруш охирига келиб, социалистик иқтисодиётнинг қудрати ошганлиги Совет Иттифоқига фашистлар Германиясига нисбатан икки баравар кўп ва анча сифатли қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника ишлаб чиқариш имкониятини берди. Ҳаммаси бўлиб эса уруш йилларида саноатимиз 102,8 мингта танк, 825,2 мингта тўп ва миномёт, 134,1 мингта самолёт ишлаб чиқарди. 10 миллион тоннадан кўпроқ ўқ-дори, 16 миллион тонна ёнилғи ишлаб чиқарилди, булар — Германия ўзи босиб олган мамлакатлар билан бирга ишлаб чиқарган ўқ-дори ва ёнилғидан қарийб уч ҳисса кўп эди. Кўпгина экинзорлар вақтинчалик қўлдан берилганлигига ва меҳнатга энг кўп қобилиятлилар ҳамда малакали ходимлар урушга кетганига қарамай, социалистик қишлоқ хўжалиги, гарчи катта қийинчилик билан бўлса ҳам мамлакатни, армияни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлаб турди. Бу эса ҳатто СССРнинг бузилган социалистик иқтисодиёти ҳам (дарҳақиқат, иқтисодиётимиз издан чиққан эди) амалда капиталистик иқтисодий системага кўра самаралироқ эканлигидан далолат беради. Бу ҳақиқат ҳозир кимлargадир ёқмаяпти, аммо фактларни инкор этиб бўлмайди.

— Сизнингча, уруш охирги давридаги ҳарбий ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларн нималардан иборат бўлди?

— Аввало шундан иборат бўлдики, бу уруш ҳаракатлари коалиция гуруҳлари томонидан олиб борилди. Иттифоқчи давлатлар ниҳоят иккинчи фронтни очдилар. Бизнинг операцияларимиз уларники билан яқиндан мувофиқлаштириб олиб борилди. Польша, Болгария, Руминия, Югославия армияларн, Чехословакиянинг катта-катта тузилмалари Совет Армияси билан ёнма-ён турнб жанг қилдилар. Европанинг ҳар бир мамлакатида ҳаракат қилган халқ қаршилиги кучлари ҳам жуда катта роль ўйнади.

Шу даврда коалиция стратегияси, Совет-Германия фронтида ҳаракат қилган коалиция гуруҳлари ичида ҳам, шунингдек гитлеризмга қарши коалиция армияларн билан ҳам ҳарбий ҳаракатларни биргаликда режалаштириш ва мувофиқлаштириш асослари вужудга келтирилди ва жиддий равишда ривожлантирилди. Америка, Франция ва Англия қўшинларининг жанговар ҳаракатлари фашистлар Германиясини батамом тормор қилишни анча жадаллаштирганини рўй-рост айтмоқ керак. Мана шу умумхалқ байрамимиз кунларида биз иттифоқчиларнинг қаҳрамонона куч-ғайратларига муносиб баҳо берамиз. Аммо, ҳар ҳолда, Улуғ Ватан урушинигина эмас, бутун иккинчи жаҳон урушини ҳам ғолибона тугаллашга Совет Иттифоқи, унинг Қуролли Кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшганликларини яна бир бор таъкидлаб ўтсам, шу сатрларни ўқийдиган ҳамма кишилар фикримни тўғри тушунадилар, деб ўйлайман. Масалан, Совет-Германия фронти жанговар ҳаракатларнинг шиддати жиҳатидан шимолий Африка, Италия ва Ғарбий Европа фронтларининг ҳаммасидан тўрт ҳисса ортиқ бўлди. Совет-Германия фронтида душманнинг 607 та дивизияси тор-мор этилди — бу иккинчи жаҳон урушининг фронтларида тор-мор қилинган дивизиялардан 3,5 баравар ортиқдир. Бу фронтда фашистлар блоки барча кучларининг 70 фоизидан кўпроғи қириб ташланди.

Ёшларимиз — мамлакатимизнинг келажаги бу рақамларнинг маъзини чақиб кўришларини жуда хоҳлар эдим. Улар совет халқи ва Совет Армияси мислсиз жасоратининг бутун улуғлигини ёдда тутсинлар ва муносиб баҳоласинлар.

— Кўни кеча Москвада бўлиб ўтган илмий анжуманда ўтган урушнинг кўпгина масалаларн, шу жумладан «Ғалаба қанчага тушганлиги» масаласи чуқур ва атрофлича кўриб чиқилди. Шу хусусда нима дея оласиз?

—Дарҳақиқат, тарихчилар, журналистлар, адиблар бу масалага жуда катта эътибор бермоқдалар. Масалан, ҳозир биздан 44 миллион киши халок бўлган, деган ақл бовар қилмайдиган рақам бутун дунёда оғиздан тушмаяпти.

Бу рақамнинг келиб чиқиш сабаби ҳам уруш ҳақидаги бошқа «оқ дов»ларнинг сабабига ўхшайди. Узоқ вақтгача бизнинг талафотларимиз ҳақиқий миқёси яшириб келинди ёки сохталаштириб кўрсатилди. 1946 йилда Сталин 7 миллион кишидан маҳрум бўлдик, деган эсимда. Орадан бироз вақт ўтиб, Вознесенский бу рақамни икки ҳисса оширди ва яна 1 миллион қўшди. Хрушчев эса 20 миллион рақамини эълон қилди. Бироқ ҳамма маълумотлар унчалик ишонч бўлмайдиган тахминларга асосланган эди.

Эндиликда эса биз жиддий таҳлил натижасида СССРнинг урушда кўрган жами талафотн 27—28 миллион кишини ташкил этади, дейишимиз мумкин. Шундан жанглардаги талафотлар, хусусан Узоқ Шарқдаги кампанияда кўрилган талафотлар (халок бўлганлар, жароҳатланиб ўлганлар, асирликдан қайтиб келмаганлар) — 8 миллион 666 минг киши. Яраланганлар, контузия бўлганлар ва касалликка чалинганлар — 18 миллион киши. Қурол-яроғ ва жанговар техника бўйича кўрилган талафот: ўқ отиш қуроли —15,5 миллионта ёки 53 фоиз танклар ва ўзиюрар тўплар—96,5 минг машина ёки 73,3 фоиз, тўп ва миномётлар — 317,5 мингта ёки 50 фоиз, жанговар самолётлар — 88,3 мингта ёки 32 фоиз.

Душманнинг талафотлари мана бундай: Германия — 5,5 миллион киши, унинг иттифоқчилари — 1,2 миллион киши. Бироқ, айни вақтда биз кўрган талафотларнинг кўпчилик қисми урушнинг дастлабки даврига тўғри келади, ўша даврда биз бениҳоя мураккаб ва ноқулай шароитда, сон жиҳатдан кўп бўлган душманга қарши яккама-якка жанг қилган эдик. Кейинги даврларда, айниқса урушнинг тугалловчи жангларида Германия ва унинг малайлари биздан кўра кўпроқ талафот бердилар.

Бироқ, кўрилган талафотларнинг кўплиги Ғалабамизнинг аҳамиятини асло камайтирмайди, аксинча улар совет халқи, унинг армияси мислсиз матонат ва қаҳрамонлик кўрсатганини ёдда тутиш, авлодларга етказиш учун бизга ҳақ берадн. Бу фронтда фашистлар блоки барча кучларининг 70 фоизидан кўпроғи қириб ташланди, дейишимиз мумкин. Шундан жанглардаги талафотлар, хусусан Узоқ Шарқдаги кампанияда кўрилган талафотлар (халок бўлганлар, жароҳатланиб ўлганлар, асирликдан қайтиб келмаганлар) — 8 миллион 666 минг киши. Яраланганлар, контузия бўлганлар ва касалликка чалинганлар — 18 миллион киши. Қурол-яроғ ва жанговар техника бўйича кўрилган талафот: ўқ отиш қуроли —15,5 миллионта ёки 53 фоиз танклар ва ўзиюрар тўплар—96,5 минг машина ёки 73,3 фоиз, тўп ва миномётлар — 317,5 мингта ёки 50 фоиз, жанговар самолётлар — 88,3 мингта ёки 32 фоиз.

Душманнинг талафотлари мана бундай: Германия — 5,5 миллион киши, унинг иттифоқчилари — 1,2 миллион киши. Бироқ, айни вақтда биз кўрган талафотларнинг кўпчилик қисми урушнинг дастлабки даврига тўғри келади, ўша даврда биз бениҳоя мураккаб ва ноқулай шароитда, сон жиҳатдан кўп бўлган душманга қарши яккама-якка жанг қилган эдик. Кейинги даврларда, айниқса урушнинг тугалловчи жангларида Германия ва унинг малайлари биздан кўра кўпроқ талафот бердилар.

Бироқ, кўрилган талафотларнинг кўплиги Ғалабамизнинг аҳамиятини асло камайтирмайди, аксинча улар совет халқи, унинг армияси мислсиз матонат ва қаҳрамонлик кўрсатганини ёдда тутиш, авлодларга етказиш учун бизга ҳақ беради, улар инсоният тарихидаги энг шиддатли ва мислсиз уруш шароитида кучли ва қаттол ёвни батамом тор-мор этдилар. Куйидаги рақамлар ҳам шундан далолат беради: жанглардаги мардлиги ва қаҳрамонлиги учун совет жангчиларидан, партизанлар ва яширин шароитда курашганлардан 7 миллиондан кўпроқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди, 11600 дан кўпроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

— Петр Георгиевич, сиз Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан то охирги кунигача қатнашгансиз. Шу байрам кунлари ўз фронтчи биродарларингизга, меҳнат фронтида ғалабани таъминлаган барча кишиларга қандай истакларингиз бор?

— Аввало уларнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик тилайман. Уларнинг ўтган урушдаги қаҳрамонона куч-ғайратлари асрлар бўйи сўнмайдиган, бетимсол жасорат бўлиб қолаверишини ҳаммалари билиб қўйишсин. Миннатдор авлодлар ўз ишлари ва фикр-ўйларида ҳамиша уларни эсга олиб турадилар. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар.



⊙ «ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИНИ ЁДГА ОЛАМИЗ...». Д. Аҳмедов сурат лавҳаси.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК!

БУ ЙИЛГИ Ғалаба куни алоҳида қадрли. Зеро, Ғалабанинг 45-баҳори одатдагидек «Дунёга тинчлик ва халқларга осойишталик!» шиори остида ўтади.

Инсоният ўзининг беш минг йиллик ҳаётида ўн тўрт минг марта қирғинлик кўрди. Бу—эллик асрлик одамзот умрининг қирқ еттиси ўт-олов ичида ўтди, дегани. Оқибатда қанча шаҳарлар ёниб битди, унинг зарбидан не-не давлатлар йўқолиб кетди. Шунисн ҳам ҳақиқатки, урушларнинг бирортаси ўзининг кўлами, ғояси, иштирок этган кучлар, қурол-яроғ ва бошқа жиҳатлари билан Улуғ Ватан урушига тўғри келмайди.

Ғалаба йўли нақадар қийин ва оғир бўлганини, ҳар дақиқада жон олиб жон бериб, бир минг тўрт юз ўн саккиз кеча-кундуз гоҳ чекиниб, гоҳ ҳужум қилиб оловли сўқмоқларни, тикан симли жин кўчаларни кезиб, бомбардимонларга бардош бериб, кўкрак кериб, ўлимга тик борганлар яхши билишади. Дзотдан ажал ўқини ёғдириб турган пулемёт оғзига ташланиб, жанговар ротасига йўл очиб берган аскарлар жасоратини кўп кўрганман. Зарурат туғилганда фашист самолётига гуфчак уриб таран қилган ва шу билан муҳим объектни бомбалардан асраб қолган учувчиларни биламан. Бутун бошлиқ артбатареяда бир ўзи қолиб, фашистларга қарши жанг қилган, охирги снарядни отиб бўлгач, бир бойлам граната билан ўзини танк остига ташлаган ва уни портлатиб фашист йўлини тўсган баҳодир Шаландинни танир эдим. Улар жасоратини такрорлаган юзлаб ўзбек жангчи ва командирларининг номлари тилларда достон бўлган.

Кўпинча мендан: «Урушда нималар хотирангизда қолган!», деб сўрашади. Урушнинг ўзи хотира, унинг ҳар бир дақиқаси хотира. Ёдимда: Смоленск йўлида капитан Флёровнинг «катюша»лар батареяси бир залп билан фашистларнинг бутун бошлиқ полкини ярим минутда куйдириб ташлаганди. Иккинчи жаҳон урушида катта мудҳиш воқеа бўлган Нагасаки ва Хиросима фожиаси ҳам минут ва секундларнинг «иши» эди.

Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир аравасини биз тортдик ва энг кўп қурбон бердик. Кўпгина шаҳарларимиз вайрон бўлди. Улар тикланди. Аммо корхоналаримизда фронтда қурбон бўлган йигирма миллион кишининг туғилмай қолган ўғил-қизию невараларининг ўрни бўш турибди. Бундай тарихий камомадни унутиб бўладими, ахир!

Узбек халқининг бир миллиондан ортиқ фарзанди фашизмга қарши жанг қилди. Шулардан 230 мингдан знёдроғи урушдан тирик чиққан эди. Уйига қайтганларнинг учдан биригина Ғалабанинг қирқ беш йиллигига етиб келди. Уруш сабоқларида пешланган хотира сира унутилмайди, ҳамиша ҳушёрликка, янглишмасликка чорлаб туради. Ҳозир яшаб турган замонимиз муқаддас экани ёдимизда бўлсин. Уни кўз қорачиғидай сақлаш учун тинчлик керак!

Жангчи илҳомлари

ОНА АРМОНИ

Аммам ёлғиз ўғли Қувватга атаб
Хоналари катта, нақшли уй қурди.
Бўлажак келинга кийимлар тахлаб,
Ўзида йўқ хурсанд, ширин ўй сурди.
Ҳарбий хизмат тугар шу ой ичида,
Оғилда семирган бўрдоқи ҳам бор.
Она фарзандини соғинган жуда,
Барча ирим-сирим қилинди такрор.
Юртимизга уруш бошлади Гитлер,
Алпомишдек Қувват энди бедарак.
Аммаи нола қилди: «Худо, хабар бер»,
Қайғу қаддин букди, эзилди юрак.
Жанг тугади, Қувват келмади бироқ,
Ҳамон бўм-бўш турар аммам қурган уй.
Ғоят оғир уруш келтирган фироқ,
Келинлар тул қолди, қолди қанча тўй.

Тўра ЖУМАН.
Қашқадарё.

Ғалабани яқинлаштирганлар

ЎТЛИ СИНОВЛАРДАН ЎТИБ



УЛАР тўрт киши эди. 1944 йилнинг октябрь ойида 1-алоҳида Денгизбўйи Армияси, 55-ўқчи дивизиясининг 327-ўқчи полки Карпат тоғларига ўрнашиб олган фашист босқинчиларини қувиб, бир қишлоққа яқинлашди. Шунда қўмондонлик вақтинча орқага чекиниш ҳақида буйруқ берди. Аммо бундан катта сержант Маҳмуд Аҳмедовнинг тўрт кишилик бўлинмаси бехабар қолиб, жангни давом эттираверди.

Душман кучли эди. Йигитларимиз ҳам бўш келмай, кеч соат 6 гача ҳужумни қайтариб турдилар. Ўқ-дорилар тугагандан кейин эса ўрмонга яширинишга мажбур бўлишди. Маҳмуд шу атрофда чех партизанлари бор деб эшитган эди. Уларни учратиш илинжида икки кеча-кундуз қалин ўрмонзорда роса кезди. Ниҳоят оч-наҳор, силласи қуриб бораётиб, автомобиль йўлига рўпарў келиб қолди. Ҳали тераккни кузатишга улгурмай, бу-талар орасидан дағал буйруқ эшитилди!

Маҳмуд ўша томонга ўгирилганда икки немис автомат ўқталиб турарди. Улар юз қадам наридаги блиндажда яшаётган душман алоқачилари экан. Маҳмуднинг қўлларини боғлаб, фронт чизиғидан 9 километрча илгарида жойлашган штабга олиб боришди. Нимқоронғи ҳужрада 20 нафарга яқин рус асирлари бор эди. Бир неча кундан кейин уни сўроқ қилишди. Немис оберлейтенанти дивизия, полкнинг қанча кучи борлиги, режалар билан қизиқди.

— Мен бор-йўғи бўлинма командириман, — деди Маҳмуд қатъий, — бундай маълумотлардан хабарим йўқ. Аммо бир нарсани аниқ биламан. Энди қаршилик кўрсатишингиз бефойда. Совет Армияси техник жиҳатдан кучли.

Маҳмудни уч марта сўроққа олиб боришди. Аммо саволлар ҳар сафар хўжакўрсинга берилаётгани сезилиб турарди. Бунга балки худди шу дамларда қўшинларимиз Чехословакиядаги душманнинг сўнгги истеҳкомларини вайрон қилиб, тобора Берлинга яқинлашаётгани сабаб бўлгандир.

— Ҳарбий батальонга борасан, — деди ниҳоят оберлейтенант. — Жоним омон қолсин десанг, ягона йўл шу.

Маҳмуд чех партизанларига қўшилиб олиш умидида, бу таклифга рози бўлди. Уни ҳарбий асирлар яшаётган кулбалардан бирига олиб боришди. Тунда энди ухламоқчи бўлиб турганда, ёнидаги шериги шивирлади: «Сержант, агар бизни оқласанг, партизанлар олдига боришга ёрдам берамиз».

Шундай қилиб, 24 октябрга ўтар кечаси тўрт киши ўрмон ичига қочишди. Тонгга яқин бир ялангликдан чиқиб қолдилар. Чех кексалари ва болалар самолёт бомбардимонидан беркиниб шу жойда яшашаётган экан.

— Панка, қўрқма, биз русмиз, партизанлар қароргоҳига йўл кўрсат, — деди Маҳмуд улардан бирига юзланиб. Аёл бир чақиримча нарида қишлоқ борлигини айтди. Шу тариқа уларни подполковник Новкун 1-Украина фронтига қарашли ҳаракатдаги Шорс отрядининг Чапаев номидаги бирлашмасига жангчи қилиб қабул қилди. Бу пайт Совет Армияси Берлин остоналарига яқинлашиб қолган эди. Фашистлар орқага чекиниш олдидан партизанларни қириб ташламоқчи бўлдилар. Ўрмонга чор атрофдан ҳужум бошланди. Оғир жанглардан сўнг партизанлар ўтли ҳалқани ёриб ўтиб, бизникиларга қўшилишга муваффақ бўлдилар. Уларни жангчилар тантанали равишда кутиб олишди.

— Мен яна 327-ўқчи полк сафида ўжнадим, — хотираларини ёдга олди Маҳмуд ака. — 1945 йил, 16 апрелда оёғимдан жароҳатланиб, Тошкентдаги госпиталга юборишди. Бу ердан тўғри уйга қайтиб кёлдим.

— Фронтга урушнинг дастлабки кунидан кетганмидингиз?—сўраймиз ундан.

— 1941 йил, 15 июнда Армия сафига чақирилдим. Боку шаҳрида энди хизматни ўтаётганимда уруш бошланиб қолди. Кўп жангларда, шу жумладан «Кичик ер»да фашистларни тор-мор қилишда иштирок этганман. Бу пайтда танкка қарши отишга мўлжалланган пушкага бўлинма командири эдим. Шундан сўнг Керчдан Севастополгача бўлган оловли йўлларни босиб ўтдик.

Маҳмуд ака уруш даҳшатларини бошидан кечирди. Ўтли синовлардан ўтиб, она юртига омон қайтди. Кўксини 1-даражали Улуғ Ватан уруши ва Қизил Юлдуз орденлари, жанговар медаллар безаб турган кекса жангчи ҳозир Октябрь районидаги «Катта боғ» кўчасида истиқомат қиларкан. Отаҳонинг беш фарзанди, бир-биридан ширин набиралари бор.

Саъдулла ШОДИЕВ.

«Кексаларимиз сафда»—танловига

ШАЪН



...Чақалоқ бешикда «Алла» тинглагани каби, Қодир Тожиев вояга етганда ҳам, дунё ташвиши билан ҳамнафас чоғлигида ва умрининг абадиятлигида ҳам ўз шаъни туфайли яшайди...

— Қодир ака, хуш овозингизни кино ва радио эфирларида тинглаб, бир бор кўришга ошиқар эдим. Ниҳоят, чеҳрангизни ҳам танлов баҳона...

— Раҳмат! Нега айнан шу танловга мени ёзишга қарор қилдингиз?

— Бундай ўйлаб қаралса, қўш-қўш байрамлар келяпти. Шодиёналарнинг кўпчилиги сизга ҳам тегишли экан.

— 1941 йили Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаб, эндигина Тошкентдаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётган эдим, бирдан уруш бошланиб кетди.

— Кейин-чи? Урушга отландингизми?

— Ҳа. Даставвал ҳарбий хизматга отландим. Ҳарбий жанговар операцияни бажариш сирларини амалий машқларда пухта ўргандик, жангга киришга ҳозирлик кўрдик. Бутун фронт бўйлаб қаттиқ жанг кетаётган оғир 1942 йилни унута олмайман. Оддий солдат бўлиб 1225-ўқчи полк жангчилари Ржев шаҳрини душмандан озод этиш учун қирғинбарот уруш олиб бордик. Йигирма бир ёшимда узоқ госпиталда даволаниб, ёру биродарларнинг бағрига 2-группа ногирони бўлиб қайтдим.

— Қайси госпиталда бўлгансиз? Жароҳат оғирмиди?

— Жароҳатни даволаб бўлармиди? Ржевни олиш учун бўлган жангда тиконли симтўсиқларни бузиш, қирқиш чоғида ўнг қўл тирсагимдан заҳарланган ўқ тегиб, ўпириб кетди. Натижада қон бузилди. Калинин шаҳар госпиталида ўнг қўлимни кесишди.

— Даволанаётган чоғингизда уйга хатни қандай ёздингиз?

— Хатларни босма усулида ёзишни ўргандим. Уйга «Мен тирикман!», «Соғомонман!», «Ғалаба қиламиз!» деб хат ёзганман.

— Бу ғурурланиш сабаби нимада эди?

— Ҳар доим диктор Левитаннинг «Совет информбюроъ материали эшиттиришидаги овози ғалаба машъаласи бўлиб туюларди.

— Ўзбекистон радиосида қачон иш бошлагансиз?

— 1947 йили курсдошим Бурҳон Зиёев радиода диктор бўлиб ишларди ва унинг таклифи билан келдим, мутахассисларнинг махсус кўригидан ўтиб, апрель ойининг бошларида дикторликка қабул қилиндим. Дастлаб сабоқни диктор кўмагида тинимсиз меҳнат қилиш, микрофон олдида ифодали ўқиш сирларини, адабий талаффуз нормаларини қунт билан ўргандим. Туйғуной Юнусхўжаева устозлик қилди менга. Дикторлик камолоти йўлида бир неча йил илгари радиода иш бошлаган Қодир Мақсумов ва бахрибаси рус диктори Дарья Николаевна Губановалар катта ёрдам бердилар.

Зийрак бўлмаган киши дикторлик санъатини пухта ўзлаштириши аммаки-ҳол. Бутуниттифоқ радиосининг Левитан, Тобэаш, Герцик каби атоқли дикторларининг маҳоратини ихлос билан ўргандим.

— Қодир ака, Тошкент телевиденнеси энди иш бошлаган кезлари ёш дикторларни тайёрлашдаги муносиб ҳиссангиз ҳақида ҳам бир оғиз гапирсангиз.

— Телевидение ташкил этилганда ўз дикторлари йўқ эди. Дикторликка танлаб олинди. Олимжонова, Мадраҳимова, Мельникова, Қамбароваларга Қодир Мақсумов билан ҳамкорликда ифодали ўқиш, тўғри талаффуз, жонли суҳбат тажрибамизни ўргатдик.

— Сиз дубляж устаси сифатида кўпгина ҳужжатли фильмлар матнини ҳам ўзбек тилида ўқигансиз...

— Шундай. Фильмларни дубляж қилишдаги тажрибам бу ерда қўл келди. Ленин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Ярим аср йилномаси» туркум кўрсатуви, ҳаёти ва сиёсий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларнинг текстини ўзбекча ўқиш, илмий-оммабоп фильмларни дубляж қилишда қатнашганман.

— Кинематография санъатининг ривожига қўшган ҳиссангиз ҳам анчагина...

— Кинематография санъатининг олтин фондидан ўрин олган «Аркадий Гайдар», «Жасорат», «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» каби тўлиқ ва қисқа метражли фильмлар, «Фан ва техника», «Кундалик янгиликлар» сингари кўпгина қисқа метражли фильмлар ва киножурналларга овоз берганман. 32 йилдан ортиқ вақт мобайнида уч мингдан ортиқ номда тўлиқ ва кичик метражли фильмларга ўзбек тилида овоз бердим.

— Ғалаба байрами арафасида ёш оқшомхон муштарийларга истагингиз?

— Юртимизга муносиб фарзанд бўлинглар. Тинчлик, омонлик тилайман.

— Сиз ҳам омон бўлинг!

Суҳбатдош
Мухтор СУЛАЙМОНОВ.



ПЎЛАТ ИРОДА

УЛУҒ Ватан уруши бошланганида Ҳасан ака Куйбишев вилоятида ҳарбий хизматда эди. Ўзбеклар орасида дастлабки оғир атлетикачилар сафига кирган тўқимачилик комбинатининг ишчиси Ҳасан ака штанга тортиш бўйича шаҳар чемпиони унвонини олади. Спортга қизиқиш, мунтазам шуғулланиш армия хизматида ҳам қўл келади. У дастлаб қисм, кейин гарнизон биринчилигида ғолиб келади. Округ мусобақасида қатнашиш учун тайёргарлик кўрилаётган, аниқроғи, чемпионатга икки кун қолганда, эрталаб машқ қилаётганида, шум хабар келади.

Пиёдалар полкининг пулемётчилар ротасига командирлик қилиб, жангга кирган Ҳасан ака Исломов Москва остоналаридаги жангда қатнашади. Курск ёйини ёриб ўтишда унинг ротаси алоҳида хизмат кўрсатади. Спорт билан шуғулланиб, чиниққан, бақувват, эпчил командир доимо олдинги сафда борарди. 60 килограммдан ортиқ пулемётни бир ўзи кўтариб югурарди. 1943 йил октябрь ойи унинг хотирасидан сира ўчмас из қолдирди. Орлов вилоятининг Красное қишлоғи бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турди. Қўмондонлик пулемётчиларни ўрмон томондан ҳужум қилишга буйруқ берди. Асосий кучни дарё соҳилига ташлаган душман чап тарафдан берилган зарбадан саросимага тушиб, чекина бошлади. Ҳар метри жанг билан олинган қишлоқ озод қилинди. Бироқ, қаердандир отилган снаряд Ҳасан ака ёнида портлайди. Ерга юз тубан йиқилган командирнинг икки кўзи жароҳатланади. Госпиталда врачларнинг уриниши беҳуда кетади. 23 ёшли навқирон йигит бир умр ногирон бўлиб қолади. 1944 йили Тошкентга қайтади...

1945 йил пойтахтнинг спорт залларидан бирида Ғалаба куни шарафига оғир атлетика мусобақаси давом этарди. Жумҳурият чемпионатини баҳолаётган ҳакамлар беллашув супасида кўзига қора кўзойнак тақкан йигитни кўриб ажабланадилар. Устози М. Мктрумян уни кузатиб тураркан, парво қилма Ҳасан, бардам бўл, дея далда берди. Ҳакам ҳайъати Ҳасан Исломов ҳисобига жаҳон чемпионлигининг янги ҳисобини қайд этади...

— Мен фарзандларимнинг, набираларимнинг, одамларнинг чеҳрасини кўра олмайман. Лекин уларнинг қалбини сезаман. Кўзим ожизлигидан ўксинсам-да, қалбимнинг чароғонлигига, аввало, яхши кишилардан, энг оғир кунларда дилимга қувват бўлган кишилардан беҳад миннатдорман. Инсон мустаҳкам иродали бўлсагина ҳаёт лазатларидан баҳраманд бўларкан, — дейди сўзининг ниҳоясида Тошкент шаҳар оғир атлетикачилар федерацияси президиумининг раиси Ҳасан ака Исломов.

Борис ЛЕБЕДЕВ,
Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Умрлар бўладики...

НАБИХОН аканинг жанговар йўли асосан 2-Белоруссия фронтида ўтди.

1944 йил, июнь. Совет қўшинларининг деярли 70 кун давомида сараланган «Марказ» гуруҳига қарши олиб борган шиддатли жанглари зое кетмади. Душман оғир талафотлар бериб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Натижада Белоруссия, Литва ва Латвиянинг бир қисми, Польша, Чехословакия, Венгрия, Югославиянинг шарқий районлари, Руминия ва Булғория тўла-тўкис фашизм асоратидан озод қилинди.

Ана шундай оғир жанглардан омон чиққан Набихон Восихонов Олий Бош Қўмондон ташаккурномасини олишга сазовор бўлди, кўкрагини Қизил Юлдуз ордени безади.

— Урушнинг сўнгги кунини қандай хотирлайсиз? — Бу саволга кекса жангчи вазминлик билан шундай жавоб берди:

— Мен 313-ўқчи дивизиянинг 1068-пиёда полкида шифокор бўлиб хизмат қилардим. Бизнинг тиббий пунктимиз Штаттин шаҳридан юқорида, Одер дарёси яқинидаги ўрмонда жойлашган эди. 9 майга ўтар кечаси одатдагидек ярадорлар оқими тинмади ҳисоб. Танкчилар, алоқачилар, пиёдалар, тўпчилар... Уйқусизликдан кўзлари қизарган, юзлари сўлғин шифокорлар, ҳамширалар. Илиқ, қон ҳиди. Узлуксиз портлаётган бомба, снарядларнинг қулоқни қоматга келтирувчи овози, моторлар шовқини, элак-элак тебранаётган ер. Назаримда бу жаҳаннам даҳшатининг охири йўқдек туюлар-ди. Мен чодирда оғир бир ярадор тепасида уймалашар эдим. Бирдан олатасир отишмалар, шовқин-сурон тўхтаб, атрофга англаб бўлмайдиган сокинлик чўкди. Тўсатдан гаранг бўлиб қолган бўлсам керак, деб атрофимга аланглади. Шерикларимнинг ҳам юз-кўзларида ифода этиб бўлмайдиган аллақандай ҳаяжон, ҳайронлик аломати. Бу сукунатни бирдан «Уруш тугади!», деган ҳайқириқлар бузиб юборди. Одамлар бош кийимларини осмонга отиб, бир-бирлари билан қучоқлаша кетишди. Кўпчиликнинг кўзида севинч ёшлари. Ниҳоят бизга орзиқиб кутилган қутлуғ кун насиб этган эди.

Бироздан кейин яна қаттиқ отишмалар бошланди. Энди жангчилар севинчдан осмонга ўқ узиб, ғалабани шарафлар эдилар. Ўрмон четидаги немислар яшайдиган уйларнинг деразасидан оқ байроқлар кўринди.

Табиат қонуни қизиқ экан. Бир томонда тасир-тусур уруш, ўт-оловли жанг-жадал давом этаяпти, ўрмонда бирон шикастланмаган довдарахт қолмаган. Аммо баҳор ўз вақтида келиб, борлиқни безаш билан овора, булбул хониши авжида эди.

Ўрмондан чиқдик. Немислар яшаб турган қишлоқ уйлари олдида қийғос гуллаган сирень дарахти, турфа рангдаги гул-лолалар ёқимли ҳид таратади. Денгиз томондан илиқ шамол эсиб, димоғингни қитиқлайди. Бу — кўкракларни тўлдириб чуқур-чуқур нафас оладиган, муқаддас орзулар рўёбга чиққан улуғ Ғалаба баҳори эди.

Набихон Восихонов урушдан сўнгги тинч меҳнат фронтида ҳам ўз касбига муҳаббат, фидокорлик намуналарини кўрсатди. Уни ҳақли равишда Мирзачўлни ўзлаштириш давридаги соғлиқни сақлашнинг энг фаол жонкуярларидан бири дейиш мумкин. Сўнгги 25 йил давомида эса Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина-санитария қисмига узлуксиз бошчилик қилди, ишдан ажралмаган ҳолда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини ёқлади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор, иккита II даражали Ватан уруши ҳамда Ҳурмат Белгиси орденлари, кўплаб жанговар медаллар нишондори Набихон Восихонов ҳозир пенсияда бўлишига қарамай, ҳамон сафда. Уни кўпинча ҳамкасблари, дўстлари, маҳалла аҳли, ёшлар даврасида учратиш мумкин. Бошдан кечирган воқеалар, ҳаёт тажрибалари билан баъзан куюниб, баъзан тўлиб-тошиб ўртоқлашади. Зотан, унинг ибратли ҳикояларида мингминг маъно, мазмун бор.

Искандар РАҲМОНОВ,
СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси, СССР Қуролли Кучлари кексаси.



⊙ **БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР. Киров районидаги Янгиариқ маҳалласидаги Улуғ Ватан уруши кексалари (чапдан) Юсуфжон Хўжабеков, Ҳасан Ҳошимов, Маллабой Усмонов, Фидохўжа Сандов, Зинаида ва Иван Герасимовларни кўриб турибсиз.**

Х. Мирзакаримов суратн.

Ғалабани яқинлаштирганлар

«ҚОРА ХАТ»

Ҳамид ака ёшлигиданоқ ҳарбий кийимни яхши кўрар, шундай кийим соҳибларига ҳавас қиларди. Тақдир тақозоси билан у ҳарбий-денгиз авиацияси ўқув юртига ўқишга киради. Ўқишни битириши арафасида Улуғ Ватан уруши ҳам бошланиб кетади. У Ленинградни ҳимоя қилишда қатнашди. Қирқ биринчи йилнинг охирларида Ҳамид ака хизмат қилаётган полк Тихвин атрофида Сарожа номли кичкина қишлоқда жанг қилар эди. Карелия бўйни ва Ладога қўли атрофидаги жойлар учун жанглар бошланиши кутиб турилганди. Экипаж командири катта лейтенант Иван Кобарь Ҳамид Саримсоқовга картани яхши ўрганиб чиқиш ва маршрутни аниқлашни буюради. Фоторазведка ҳам муваффақиятли ўтказилади. Бунинг орқасида душман объектлари, шу жумладан Кариши станциясидаги транспорт узели бомбардимон қилиниб, унга талафот етказилади. Бу Саримсоқовнинг қўмондонлик томонидан ташаккурнома олинишига сабаб бўлади. Янги координатлар — денгиз кемалари, юк транспортлари, ёв жангчилари ва қурол-яроғларни йўқ қилиш вазифалари топширилади. Жанговар учишлар, бомбардимонлар, ҳаво жанглари кўпая боради. Саримсоқов экипажи энг масъул жойларга юборилади. Кунларнинг бирида Баренц денгизида бизнинг сув ости кемамиз душман юк транспортини чўктириб юборди, аммо душман кемани сезиб қолади. Душман катерлари кемамизни йўқотиш ниятида изғиб қоладилар. Катерларни ҳайдаб юбориш зарур бўлиб қолади. Шунда Леонид Акулин экипажи ишга тушади, унда Ҳамид Саримсоқов штурманлик қилади. Осмон қалин булут билан қопланганлигига қарамай, жанговар вазифа бажарилади. Барча немис катерлари осмондан ёғилаётган Ҳамид ака ўқлари остида вайрон бўлади, қолганлари қочиб қутилади. Сув ости кемамиз омон қолади. Мана шу экипаж қаҳрамонлиги ҳақида марказий газеталар мақолалар ёзади. Шимолий флотнинг жанговар учувчилари ҳақида ёзилган мақолаларнинг бири «Ўзбек халқининг ўғлони» деб аталарди. Мақола «Ватан озодлиги ва бахт-саодати учун лейтенант Ҳамид Саримсоқов шундай жанг қилмоқда» деб тамомланади. Шу мақолада бир группа қирувчи самолётларимизга қирқта душман самолётига жойлашган фашист ғалалари ҳужуми ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳ. Саримсоқов қўлидаги транспортёрни пулемётга алмаштиради, бир неча фашистнинг ёстиғини қуритади, экипажнинг омон чиқишини таъминлайди.



Тақдир 1944 йили Ҳамид Саримсоқовни Қора денгиз авиациясига ташлайди. Навбатдаги жанговар учишлардан бирида у ўлиб тирилади... 21 август куни Константацадаги транспорт узелига ҳужум қилади. катта лейтенант П. С. Маширов бошчилигидаги эскадрилья самолётини тўртта душман қирувчиси ўраб, ҳужумга ўтади. Шунда штурман Ҳ. Саримсоқов усталик билан бир машинани сувга қулатишга улгуради. Аммо тез орада Машировга ўқ тегиб, ҳалок бўлади, самолётнинг чап мотори зарарланади. Саримсоқов машинани ўзи бошқаришга ўтади. У ўтни ўчиришга ҳаракат қилади, аммо мотор ёниши кучайганлигини сезади. Зум ўтмай машина сувга қараб шўнғийди. Шунда Саримсоқов ўқчига самолётдан ўзини ташлашни буюради. Сувга бир неча метр қолганда ўзи ҳам самолётдан чиқади. Машинаси билан олдинма-кейин сувга тушишади.

Буни қўмондонликда билишмайди ва Саримсоқовни қаҳрамонларча ҳалок бўлдига чиқаришади. Шунда унинг уйига «қора хат» келади. Ота-она ва қариндош-уруғлар аза очишади, кўз ёшлар дарё бўлади.

Аммо... Учувчининг белидаги резина қопчиқ ишга тушиб, уни сув остидан юзага кўтариб чиқади. Ҳамид ака этиги ва бошқа кийимларини ечиб ташлайди. Чўнтагидаги кичик камерани пуфлаб шиширади ва унга чиқиб олади. Бир дона қанди билан печеньеси унга салкам уч суткагача овқат бўлади. Шўр сув баданини ачиштириб азоб беради, қийналади ва у ўзидан кетиб қолади. Ҳушсиз ҳолда уни Болгария балиқчилари топиб оладилар.

Анча вақтдан кейин ўзига келади, қаердалигини билгач, Ватанига жўнатишларини сўрайди. Қайтгач, анча вақт текширувларда бўлади, айбсиз айбланади, сўроқларда бўлади. Аммо ҳақиқат ғалаба қозонади. У ўз полкига қайтарилади. Урушни кўксида бир неча ҳарбий орден ва медаллар билан тугатади.

Урушдан кейин ишлайди, билимини оширишни орзу қилади. 1952 йили Москва авиация институтини тугатади, йирик конструкторлик бюроларида хизмат қилади. Аспирантурада ўқийди, фан номзоди бўлади.

1961 йили академик М. Т. Ўразбоев таклифи билан ТошПИга ишга ўтади. Самолётсизлик факультетида деканлик қилади, кафедрага мудирлик қилади. Ҳозир олим бўлажак инженерлар билан иш кўради, уларни ўқитади, ўргатади. Уни кўпинча авиация корхоналарида ишлайдиган ва кечқурун билим оладиган талабалар орасида кўрамиз. Кабинетида электрон-ҳисоблаш машиналари, лойиҳаларни машинада чизиш, телевидениедан ўқиш жараёнларида фойдаланиш ва илмий ишларни ривожлантириш борасидаги ишларни кўрамиз. Унинг машҳур авиаконструктор О. К. Антоновдек устози билан ишлаган даврдаги эсдаликларини эшитамиз, АН—3, АН—2, АН—12 ва АН—2 М самолётларига қўшган ҳиссасини сўраймиз.

Кўкраги жанговар орден ва медаллар билан тўлган профессор Ҳамид Саримсоқовни ТошПИда танимаган одам йўқ, уни ҳамма иззат ва ҳурмат қилади. Унинг ўзи ҳам тиниб-тинчимайди, жамоат ишларида фаол қатнашади, ёшларни тарбиялаш, ватанпарвар бўлишларида фидокорлик қилади.

Қудрат АҲМЕРОВ,
профессор.

СУРАТДА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони, майор Б. Сиромятников, катта лейтенант Вильчинский, старшина Ҳ. Саримсоқов, сержант Зайцевлар жанговар учиш олдидан. (1942 йилнинг 31 майи, Волхов фронти).

ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

ҚАЛБ амри билан СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивида тадқиқот ишларини олиб бораяпман. Мақсадим немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган 1418 кунлик жанглардан қайтмаган, тақдирлари ҳамон номаълум ўзбекистонликлар қаерларда дафн этилганини аниқлаш ва бу маълумотларни марҳумларнинг яқинларига етказишдан иборат.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабага осонликча эришмадик. Бошига уруш мусибати тушмаган оила деярли қолмади. Уруш тугаганига 45 йил ўтганлигига қарамай, оталари, ака-укалари, фарзандлари, умр йўлдошлари ва қариндош-уруғлари тақдирини билолмай, изтироб чекаётган ҳамюртларимиз беҳисоб.

Марказий архивда ҳозиргача 13 минг ўзбекистонликларнинг қаерда дафн этилганини аниқлашга муваффақ бўлдим. Тошкент шаҳридан қуйидагилар бор:

Ҳафиз Фатхуллаев Сталинград остонасида ҳалок бўлган.

Убай Абдуллаев Смоленск областининг Козульск районида, Маҳмуд Жўраев Починск районида, Абдумажид Турсунов эса Ярцев районида дафн этилган.

Юсуп Мажидов, Абдусаттор Маликов, Бурхон Маърупов, Эргаш Тўлагановлар Витебск областининг Витебск районида, Тўра Ниёзов шу областнинг Дубровенск районида ҳалок бўлишган.

Жўра Азимов Могилев областининг Бобруйск районида, Нурғали Нозимов Австрия пойтахти — Вена шаҳрида дафн этилган.

Ҳаким Абдураҳмонов, Турғун Собиров ва Туроб Тўрабоев Литва ССР территориясида ҳалок бўлишган.

Она-Ватанимиз озодлиги ва бугунги бахтли кунимизни яратиш йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳамшаҳарларимизнинг номи ҳеч қачон унутилмайди. Уларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан урушн иштирокчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

Жангчи илҳомлари

ҲОКИНГНИ АХТАРАЙ ҚАЙДАН?

Жигарим пора бўлди
оҳингда ёниб,
Кўз ёшларим қурнди
ҳароратимга
Бағримга босолмадим
укажон тўйиб,
Бардош қила олурманми
қайтгунча куйиб.
Ун тўққиз ёшингда
жангга отландинг,
Душман билан юзма-юз
курашда енгдинг.
Волганинг қирғоғида
мардлар қаторн,
Жасорат орденига
сазовор бўлдинг.
Фашистнинг мўлжал ўқи
бағрингни тешиб,
Пора қилганда ҳам
таслим бўлмадинг.
Қонга ботган Ватанинг
тупроғин ўпиб,
Жароҳат азобида
заъфарон сўндинг.
Йигирма баҳоринг
ҳалк гулламай
Муҳаббат юрагинг
торни чертмай,
Ёшлик лазокатни
бир он татимай,
Ватаним, деб жон бердинг,
армонла кетдинг.
Сендан хабар кутиб
муштипар онам,
Сочларн оқарнб
қадди букилди,
Кўздан қолиб, сарғайиб
юз ёшга тўлиб,
Сенинг ғаминг билан
дунёдан ўтдн.
Укажон, ахтарай ҳокингни
қайси юртлардан!..

Сандазим САИДВАЛИЕВ,
Улуғ Ватан урушн ветераии, пенсионер.

ЎХШАШ ТАҚДИР

⊙ **Улар уруш даврида турли қисмларда жанг қилишган. Ҳаёт йўлларн бир хил бўлганн учунмн, 70-мактабга ишга келгач жуда қадрдон бўлиб қолишдн. Бизнинг ҳикоямиз ана шу қуролдош дўстлар ҳақида...**

БИР ЙИЛЛИК ҳарбий тайёргарликдан сўнг Сайфиддин Иброҳимовни 18-армиянинг 271-ўқчи дивизиясига қарашли взводга командир этиб тайинлашди. Унинг бошчилигида ўнлаб жанговар топшириқлар, шунингдек Карпат тоғидаги 811-баландликни эгаллашдек муҳим вазифа бажарилди. Қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар душмандан озод қилинди.

1944 йилда оғир яраланган Сайфиддин ака она юртига қайтиб келди. Айни пайтда билим даргоҳида ёшларга ҳарбий таълимдан сабоқ бермоқда.

Бир жамоада ишлаётган Иван Андреевич Яковлев ўзининг беш йиллик умрини жанг майдонларида ўтказди. У асосан 637-ўқчи полкнинг 140-ўқчи дивизиясида хизмат қилди, япон босқинчиларини тормор қилишда ҳам фаол қатнашди. Урушдан кейин эса ўқитувчиликни давом эттирди. Ҳозир Киров районида математика фани бўйича етакчи муаллимлардан бири ҳисобланади.

Қуролдошлардан яна бири — она тили ва адабиётн ўқитувчиси Сирожиддин Мақсудов жанговар фаолиятини Воронеж областида бошлади. 2-Украина фронтининг 27-танкчи бригадаси сафида Одесса, Николаев, Молдавия, Кишинёв учун бўлган жангларда бор куч-ғайратини аямади.

— Биз гувоҳ бўлган азоб-уқубатлар, даҳшатларни асло фарзандларимиз кўришмасин, — деди Сирожиддин ака ўша дамларни хотирлаб.

— Урушда қанчадан қанча кошоналар вайрон бўлганини айтмайсизми, — суҳбатга қўшилди Иван Андреевич. — Фашистлар болалар ва кексаларни ўлдиришгани, юзлаб шаҳарларга ўт қўйишганн худди бугунгидек ёдимда. Унинг гапини Сайфиддин ака ҳам маъқуллади.

Жанговар орден ва медаллар соҳиби бўлган уч қуролдош ўқитувчилар фаоллиги ва изланишлари билан ёшларга ўрнак бўлмоқдалар.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан куни-кеча Собир Раҳимов районидаги Янги Тошкент маҳалла клубида мароқли учрашув бўлиб ўтди. Клубга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Қизил Юлдуз, Шуҳрат орденларининг соҳиблари, табаррук отахонлардан Зокир ота Аҳмедов, Қосим ота Сиддиқов, Раззоқ ота Эгамбердиев, Ғаффор ота Убаев, Ғулом ота Азимхўжаев кабилар йиғилдилар. Йиғилишда маҳалла кексалар кенгашининг раиси Раҳим ака Одилов табаррук отахонларни қутлади.

Тантанада отахонларга хизмат қилишга таширф буюрган ёш, талантли хонандалар Толибжон Ҳасанов, Абдуғафур Тўраев, Шавкат Мелижонов, Нафиса Хўжақулова, Қадамжон Матёқубовларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари, эстрада созандаси Равшан Зуннуновнинг этюдлари ҳаммага манзур бўлди.

Йиғилишда шоир Тўлқин қатнашиб, отахонларга аталган шеърларидан ўқиб берди. Бутуниттифоқ цирк артистлари кўригининг нишондори Раҳмон Бекнинг афсунгарлик ва ҳажв чиқишлари эса тантана қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Р. ИСЛОМОВ.

Оғамизнинг қабри топилди

УЙДАГИ ҳужжатларни кўздан кечираётганимда, улар орасидан Турсун акамнинг сарғайиб кетган сурати чиқиб қолди. Синоҳи кийимидаги йигит ёш бўлишига қарамай салобатли кўринарди. Суратнинг орқасида «Калинин шаҳрига дафн этилган», деган ёзув ҳам бор экан. Акамнинг қабрини уруш тугагандан бери излаётган бир пайтимизда, бу топилма жуда қадрли эди.

Маълум бўлишича, 1942 йил сентябрь ойида Турсун акамдан қора хат келганда онам суратнинг орқасига қаерда дафн этилганини ёзиб қўйибди-лару, кейин ёдларидан кўтарилиб кетибди. Мен Калинин шаҳрига бориб, қабрни зиёрат қилишга қарор қилдим.

Шаҳар марказидаги биродарлик қабристонида уруш пайтида ҳалок бўлган кўплаб жанг чиларнинг рўйхати бор эди. Аммо улар орасида акамнинг исм-фамилияси учрамади.

— Танкчи Турсун Мусаев ҳам шу жойга дафн этилган, — дейишди область ҳарбий комиссариатида ҳужжатларни кўздан кечириб. — Оғир жангларнинг бирида яраланиб, кейин ҳалок бўлган. Шаҳар мудофаасида қатнашган бундай мард ўғлонлар 640 нафардан зиёд. Мармар тахтага барчасининг номини ёзиш имконияти топилмади.

Тошкент танк билим юртини тамомлаб, фронтга кетаётганда акам барча битирувчиларни уйга таклиф қилган эди. Синоҳи танкчилар орасида фақат у киши маҳаллий миллат вакили бўлган. «Полуторка» машинасида қўлларини силкитганча хайрлашиб кетганлари ҳамон кўз олдимда. Орадан уч ой ўтгач эса, ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар олдик.

Она-Ватан, юртимиз озодлиги учун жонини қурбон қилган йигитларимиз озмунчами? Акамнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Калинин шаҳридаги биродарлик қабристонига мармар тош ўрнатиш ниятимиз бор.

Ҳасан АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар йўналишлн таксилар корхонаси директорининг ўринбосари, истеъфодаги катта лейтенант.

БИРИНЧИ ТЎҚНАШУВ



МАҚСУДЖОН Аҳмедов армияга чақирилганда ҳали қонли уруш бошланмаган эди.

1941 йилнинг баҳори У Ғарбий Белоруссия билан Польша чегарасидаги автобатальонда шофёр бўлиб хизмат қиларди. Бир куни ғалати воқеа юз берди. Мақсуджон Белостокдаги қисмлардан бирига снаряд олиб бораётган эди. Бирдан олисдаги ўрмон тепасида тайёралар кўринди. Улар тобора яқинлашиб келарди. Қараса, тайёраларнинг ён қисмида фашист эмблемалари. «Вой, лаънатилар-ей! — деб юборди Мақсуджон беихтиёр. — Немислар ҳужум қилиб қолиши мумкинлиги ростга ўхшайди». Шу пайт биринчи тайёра устма-уст ўқ ёғдирди. Хайрият, ўқлар қутиларга эмас, кузовларга келиб уриларди. Иккинчи тайёра ҳам худди шундай маневр қилаётганда Мақсуджон машинани зудлик билан чапга олди. Шундан сўнг тез ҳайдаб, қуюқ дарахтлар оралиғига кириб ғойиб бўлди.

Ўша куни уруш бошланган эди. Мақсуджон хизмат қилаётган батальон Минскка кўчирилди. Моҳир ҳайдовчи кўп мардликлар кўрсатди. Бир сафар Гомелга эвакуация қилинаётган болаларни олиб бораётиб, фашистлар пистирмасига дуч келиб қолди. Қандай бўлмасин, немислар ғуж бўлиб турган жойдан нарига кетишга ҳаракат қилди. Ўнг оёғидан яраланса ҳам машинани елдириб ҳайдаб, белгиланган манзилга ўз вақтида етиб борди. Эфрейтор қандай оғир шароитга тушмасин эсанкирамас, ҳамиша тийрак ва жасоратли эди. Батальонда ҳамма уни яхши кўрар, бир неча бор генерал Павловнинг ўзи ташаккурнома эълон қилганди. У Сталинград фронтида ҳам иштирок этди.

Мақсуджон Аҳмедов урушдан кейинги тикланиш йилларида ҳам ўз касбига содиқ қолди. Тошкентдаги автотранспорт хўжаликларидан бирида муттасил 30 йил ишлаб, пенсияга чиқди. Ҳозир иккинчи гуруҳ ногирони. Отахон қаерда бўлмасин фидойилик кўрсатиб, медаллар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Бу эса унинг ҳаёти мазмунли ўтаётганидан далолат бериб турибди.

Ўлмас МУҲИТДИН,
СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

«Шафқат ҳамширасидан миннатдормиз...»



⊙ **Бугун Халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти куни нишонланаётган ҳозирги кунда Собир Раҳимов район Қизил Ярим Ой жамияти ихтиёрида 11 нафар тиббиёт ҳамшираси ва 16 энага бор. Улар боқувчиси бўлмаган кексалар, уруш ногиронлари ҳамда ёрдамга муҳтож бошқа кишиларга маиший-тиббий хизмат кўрсатишаяпти.**

— Бизнинг идорамизда ким бардошли, ўз касбига ихлос қўйган, бағри кенг бўлсагина ишлай олади, — деди жамият раисининг ўринбосари Б. Салимов. — Сабаби, кўнгли ярим кишиларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш учун ҳақиқий жонкуяр, куйди-пишди бўлиш керак. Бундан ташқари, ҳамшира ва энагаларга тўланадиган ойлик маош ҳам кам миқдорда.

Шунга қарамай, жамият рўйхатида турувчи, ёрдамга муҳтож онлалар кўрсатилаётган беминнат ёрдамдан миннатдор бўлишаяпти. Айни пайтда, бундай имтиёздан фойдаланаётган 133 кексанинг 11 нафари уруш қатнашчиларидир.

Валентина Ивановна Климова Улуғ Ватан уруши йилларини жуда яхши эслайди. Калининград остонасидаги душман билан тўнашувларнинг бирида оёғидан яраланди, контузия бўлди. Бахтли келажагимиз учун курашган бу аёлнинг саломатлиги ҳозир ҳамшираларнинг доимий диққат-эътиборида.

Илҳом Аҳмедов ҳам фронтда қон кечиб келди. У ўтган йили вафот этиб, умр йўлдоши Қумри ая ёлғиз қолди. Икки оёғи фалаж, юролмайди. Район Қизил Ярим Ой жамиятининг вакиллари дарҳол ёрдамга келишди.

— Ҳамшира Комила Кучербоева ва энагага раҳмат, — деди ая унинг хонадонида бўлганимизда. — Улар бўлмаса жуда қийналиб қолардим. Барака топкурлар соғлиғимни назорат қилиш билан бирга хоналарни йиғиштириш, дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш, ўринларни алмаштириш ва бошқа юмушларга яқиндан ёрдам беришаяпти.

Меҳр-шафқат, инсонларга бўлган ғамхўрлик ҳеч қачон унутилмайди. Фидойи касб эгаларининг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлаётган кексалар ҳаётда суянчиқлари борлигини билгач, турмушга ихлослари ортмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ.

⊙ **СУРАТДА: шафқат ҳамшираси Комила Кучербоева Улуғ Ватан уруши кексаси Валентина Климова билан саломатлиги ҳақида суҳбатлашаяпти.**

Муаллиф суратн.









БАРЧА ОЛҚИШ СИЗГА БЎЛСИН

БУ БОҒ илгарилари ҳам жуда кўпгина тантана ва маросимларнинг гувоҳи бўлган. Лекин бу гал унинг файзи бутунлай ўзгача эди. Кўксиларига жанг майдонларида кўрсатган беқиёс мардлик ва жасоратларининг рамзи бўлган ҳукуматимизнинг юксак орден ва медалларини тақиб келган Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари шу боғ файзига бугун яна ўзгача файз бағишлашди.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 45 йиллиги арафасида ўтказилган бу маросим унинг иштирокчилари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Шу куни бу ерда сўзга чиққан барча нотиқлар — Улуғ Ватан урушининг суронли жангларида қатнашганларнинг дил сўзларида ҳам, уларни бу ерга қутлагани келган санъаткорлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев, район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ва «Ором» болалар ансамбли қатнашчиларининг чиқишларида ҳам оталар жасорати улуғланди, уларнинг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари миннатдор кишилар қалбида умрбод сақланиб қолажаклиги алоҳида таъкидланди. Маросимда бу ерга ташриф буюрган барча қадрли меҳмонларга — Улуғ Ватан уруши кексаларига эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳримизнинг Акмал Икромов районидаги «Орлёнок» пионерлар боғида 6 май куни бўлиб ўтган ушбу маросимда Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат, халқ истеъмол моллари, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаси доимий комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Ҳайдаров, Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Рафиқов, 2-автокомбинат ҳайдовчиси, СССР халқ депутати Й. Акбаров, район партия ва совет ташкилотларининг ходимлари иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: ўтказилган ана шу мароқли учрашувлардан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.

Рўзноманинг шу сонига

ТИКЛАНГАН АДОЛАТ



ЎРТОҚ Ф. УМАРОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИГА ҲУҚУҚИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг расмий илтимосномасини кўриб чиқиб, махсус Фармон билан ўртоқ Фахриддин Умаровнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони ҳуқуқини тиклашга қарор қилди.

Бу ҳонадонда санъаткор яшашидан бир қарашдаёқ сезилади. Бир текисда таралган ток сўрилари ҳовлига янада сўлимлик бахш этади. Ён-атрофдан қушларнинг шўх сайроғи эшитилади. Уйда бир тўп меҳмонлар. Ораларида зиёли ҳам бор, оддий деҳқон ҳам. Ҳаммалари Фахриддин аканинг мухлислари. Хушхабарни эшитиб қутлагани келишган.

— Фахриддин ака, аввало сиз бундан йигирма олти йил бурун мушарраф бўлган «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонингиз тиклангани билан «Тошкент оқшоми» рўзномаси жамоаси номидан табриклаймиз.

— Ташаккур. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб унвонимни тиклашда катта ҳиссасини қўшган санъат мухлисларига, бу ишни адолатли ҳал этган жумҳуриятимиз Президентига «Оқшом» рўзномаси орқали ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Эҳтимол ўринли бўлмас, лекин бунга аниқлик киритмасликнинг иложи йўқ. Ушанда сизни унвондан маҳрум қилмоқчи бўлганлар нималарни важ қилишган эди?

— Важ қилишга арзийдиган ҳеч нарса йўқ эди. Тўғри, менинг ҳам хатоларим бўлгандир. Ўзимни буткул оқламоқчи эмасман. Аммо бир инсонга баҳо беришдан олдин, ҳамма нарсани ақл тарозусида тортиб кўриш керак. Баъзиларга гул тутсангиз, гулни кўришадию, тиканига эътибор беришмайди. Бошқалар эса фақат тиканини кўришади. Бу ҳақда Саъдий жуда чиройли гап айтган. Мана ўша ривоят:

Қадимда бир подшоҳ ўқимишли, ақлли, ширинсўз бир йигитни сарой хизматига олмоқчи бўлибди. Лекин ўша йигит «Ш» ҳарфини ҳеч айтолмасакан, «С» деб юбораркан. Ҳукмдор аъёнларига маслаҳат солибди. Улар «Ёмон йигитга ўхшамайдию, фақат «Ш» ни айтолмас экан, шуниси чатоқ», дейишибди. Шунда подшоҳ уларга «Йигитдаги йигирмата яхши фазилатни кўрмабсизлару, битта қусурини кўрибсизларда», деган экан.

Тошкент доирлфунунн доценти Ш. ЮСУПОВ ҲИКОЯСИ. Ушанда Фахриддин ака қатори Бахтиёр Ихтиёров, Ёқуб Аҳмедов, Суръат Пўлатовлар ҳам таниқид қилинган эди. Асосий зарба эса ҳофиза қаратилганди. Улар кейинчалик хизматларига яраша унвонларни вақтида олишди. Аммо, Фахриддин Умаров четлаб ўтиларди. Дўстлар қараб туришмади, раҳбарларга илтимосномалар билан чиқаверишди. Улар хўп дейишардию, қолиб кетаверарди. Ниҳоят, адолат қарор топди.

— Ўша оғир дамларда кўпроқ нималар ҳақида ўйлардингиз?

— Ижод, фақат ижодни. Халқимга янги бир қўшиқ айтишни. Унвоним тиклонишигача ўтган йигирма тўрт йил мобайнида йигирма тўрт дақиқа ҳам ижоддан узоқлашмадим. Ахир, нега руҳан тушишим керак? Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Қолаверса, ҳаққоний баҳони халқ беради. Ўша кунларда Муҳаммаджон Мирзаев, Маҳмуджон Муҳамедов, Муҳаббат Мусаевалар ёнимда бўлиб кўнглим тушмаслигини, бу қарор вақтинчалик эканлигини қайта-қайта таъкидлашди.

Қанчалик таниқли бўлсангиз, сиз ҳақингизда шунча кўп гапиришар экан. Кимдир ҳақ гапни айтади, бошқаси тескарисини. Охири шундай бир фалсафий хулосага келдим: ким кимни мақтаса, мақтаган одамидан устун туради, ундан қўрқмайди. Ким-кимни ёмонласа, билингки ёмонлаган кишисидан паст туради, ундан қўрқади. Саъдий Шерозий жуда топиб айтган: дарахтнинг узунлиги соясига қараб, одамнинг обрўси душманига қараб ўлчанади. Энг муҳими биров мен ҳақимда ёмон гап гапирибди, деб асло хафа бўлиш керак эмас.

Очиққўнгил, ҳалол бўлсангиз, бир кун хатосини тушунади.

Ш. ЮСУПОВ ҲИКОЯСИ: Фахриддин ака жаҳонга танилган одам. Жаҳонга танилиш учун эса давлатма-давлат кезиш шарт эмас. Дорилфунунимизнинг амалий математика факультети доценти Неъматжон Акмалов бир воқеани гапириб берганди. У АҚШга борганида Сиэтл шаҳри мэри Фахриддин Умаров қўшиқлари ёзилган ликопча (ёзув)лардан 400 нусха юборишни сўраган экан. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, таниқли биолог олим Аҳмад Иброҳимов Голландияга халқаро симпозиумга борганида бир голланд олими уни ва яна бир-икки ҳамкасбини уйига таклиф қилади. Меҳмонлар чарчаганликларини айтиб узр сўрашса, у: «Чарчоғингизни ёзиб юбораман. Менда Фахриддин Умаров қўшиқлари ёзилган ликопча бор», деган экан.

— Бўш вақтингизда севган машғулотингиз?

— Кўп китоб ўқийман. Чунки санъаткор одамларга қўшиғи билангина эмас, балки ҳар томонлама маънавий озуқа бериши. Яхши кишилар суҳбатига тўёлмай қолсам, албатта қидириб бораман. Орзуим — классик шоирларимизнинг ўлмас асарларини халқимга етказиш.

М. Сафаровнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида эълон қилинган «Бир ажиб соз соҳиби» сарлавҳали мақоласида ҳофиз хислатларига холисона баҳо берилган эди: «Хонанда ўнлаб ғазалларни ёд билади. Суҳбат жараёнида ғазаллардаги маъноларнинг гўзаллиги, сўзларининг латофатини завқ билан шарҳлаб кетади... Хонаданинг ижод йўли, албатта, силлиқ кечгани йўқ. Бу — изланиш, такомилга эришув, гоҳида чекинишлар, ўз-ўзини англашлар йўлидир».

Ҳа, табиат бу инсонга сеҳрли бир соз ато этган. Қирқ беш йилдирки, шу соз билан миниаб, миллионлаб қалбларга эзгулик уруғини сочади, завқ бағишлайди. У ўзининг ноёб истеъдоди билан санъат оламида ўз йўлини очди ва ўнлаб шогирдларини ортидан эргаштирди. Ҳофиз яратган мактабнинг ўзига хослиги ҳам мана шунда!

Суҳбатдош
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУҲАРРИРИГА

«Эл назаридан қолишдан ёмони йўқ» деган ақида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам падари бузруквормизнинг имонларига айланиб кетганди.

Инсон боласи бу фоний дунёдан кўз юмгандан кейин ҳам ўз эли, халқи хотирасида абадий қололса, демакки, бундай умр зое ўтмапти, деб таскин топасан киши.

Хонадонимиз истиқомат қилаётган кўча Раҳмат ФАЙЗИЙ номлари билан аталишидан биз ниҳоятда мамнунмиз ва шу рўзнома орқали ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Раҳмат ФАЙЗИЙ оиласи.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 10 майда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

7 МАЙДАН БОШЛАБ —
ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИИЙ ВА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК НАМОЙИШИ ЎТКАЗИЛАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ТОШСОВЕТ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8-9 майда — Акция.
«К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8 майда — Омон қолишга ҳаракат қил.
9 майда — Акция.
«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
8 майда — Мени кутгил.
9 майда — Маршал Рокоссовский.
«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
8 майда — Жанговар машина экипажи.
9 майда — Маршал Жуков.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8 майда — Юлдуз тушиши.
9 майда — Маршал Конев ҳақида қисса.
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Генерал Шубников корпуси.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8-9 майда — 40 йил ўтгач.
«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Унутиш—гуноҳ.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8-9 майда — Пешқадам «Тошкент».
«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Катта урушнинг сўнгги садолари.
УЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
8-9 майда — Олис -яқин йиллар.
«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Маршал Шапошников.
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — «...Ҳақиқий фамилияси тикланмаган».
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Она.
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
8-9 майда — Урушнинг олис садолари.
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ.

«ПРИМУЛА» КООПЕРАТИВИ ТАШКИЛОТЛАРГА, КОРХОНАЛАРГА, АҲОЛИГА ВА КООПЕРАТИВЛАРГА

очиб чиққанига 1 кундан 20 кунгача, бир ой ва икки ой бўлган

«ЮБИЛЕЙ» ЗОТЛИ ТИРИК ЖЎЖАЛАРНИ СОТАДИ

Баҳоси келишилади.

Нақд ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш мумкин.

Телефонлар: 54-55-29, 54-55-49.

ҲУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ВА ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР БЎЛИМИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шумилов шаҳарчаси аҳолисининг кўп сонли илтимосларини инобатга олиб 29-микроавтобус йўналиши 1990 йилнинг 7 майдан

Хавас кўчасидан бошлаб Менжинский, Сеченов, Лобачев, Октябрь 10 йиллиги кўчалари бўйлаб «Шумилов шаҳарчаси» бекати оралиғида ташкил этилади.

Микроавтобус орқага қайтишда Октябрь 10 йиллиги, Бойсун, М. Ашрафий ва ундан кейин ўз йўналиши билан ҳаракат қилади.

Йўналиш «Октябрь инқилоби — Шумилов шаҳарчаси» деб номланади.

Бешқайрағоч ва Кўкча даҳаси аҳолисининг кўп сонли илтимосларига кўра 1990 йил 1 майдан 15-трамвай маршрути, «Бешқайрағоч даҳаси — ТошМИ 2-клиникаси» чегараларида ташкил этилади.

Мазкур йўналишдаги трамвайлар «Бешқайрағоч даҳаси»дан бошлаб Тўқимачи, Зиё Саид, Уйғур, Беруний, Навоий, 1 Май, К. Маркс кўчалари бўйлаб ТошМИ 2-клиникасигача барча мавжуд бекатларда тўхтаб ўтган ҳолда ҳаракат қиладилар.

Маълумотлар учун телефонлар — 34-82-98, 34-82-89.



ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

(А. Қодирий проспекти, 7—«а» уй).

Обуначиларга обуна нашрларининг навбатдаги томларини тақдим этади:

Фантастика кутубхонаси — 15 китоб, 18-том, 2—«Америка фантастик прозаси» китоби.
М. Булгаков — 1, 2 — том
Г. Белль — 1—том.
В. И. Ленин ҳақида эсдаликлар — 2, 3 — томлар.
Бутунжаҳон иқтисодий тафаккурлар тарихи — 3— том,
Д. Гранин — 4—том.
Ф. Достоевский — 6 — том.
С. Есенин — 1 — том.
Ҳайвонлар ҳаёти — 7 — том.
С. Залигин — 1, 2 — томлар.
Н. Карамзин — 1 — том.
В. Ключевский — 6, 7 — томлар.
В. Короленко —3 — том.
Тит Ливий — 1 — том.
В. Овечкин — 1, 2 — томлар.
Н. Островский — 2 — том.
Б. Пастернак — 1, 2 — томлар.
Замонавий генетика — 3 — том.
К. Ушинский — 5 — том.
Г. Ведосеев — 2 — том.
Кимё энциклопедияси — 2 — том.
Магазин соат 10 дан 19.00 гача очиқ.
Дам олиш куни — душанба.
Телефон — 44-57-41.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН: ювиш бақчалари ва кранлардан сув томчилаб туриши хонадонингизда сув таъминотини ёмонлаштиради, сувдан фойдаланганлик ҳақини ошириб юборади.

Кранлардан фойдаланиб бўлгач уларни маҳкам беркитинг.

ТОМОРҚА УЧАСТКАЛАРИ ВА ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ, ЙЎЛКАЛАР, ҲОВЛИЛАР, МАЙДОНЛАР ВА ХИЁБОНЛАРГА ВОДОПРОВОД СУВИНИ СЕПИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Юқоридаги мақсадларда водопровод суви ишлатилганлиги аниқланган ҳолларда водопровод қўшимча огоҳлантириш бермай туриб узиб қўйилади.

КЎЧА ТОМОРҚАЛАРИДА СУВНИНГ БЕҲУДА ОҚИБ ЕТГАНЛИГИГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Водопроводнинг носозлигини, ер остидан сув сизиб чиқаётганлигини ёки носоз кўча колонкасини кўриб қолсангиз қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

ҲАМЗА ВА ЛЕНИН районларида — 96-32-51 , 96-24-32.
СОБИР РАҲИМОВ ва ОКТЯБРЬ районларида — 46-03-85, 46-03-84.
КИРОВ районида — 35-14-02, 35-04-01.
ФРУНЗЕ ВА СЕРГЕЛИ районларида — 58-36-42, 58-32-93.
АКМАЛ ИКРОМОВ ВА ЧИЛОНЗОР районларида — 74-57-69, 74-88-49.
Марказий диспетчерлик хизмати — 33-15-95, 33-75-95.

Сувдан фойдаланганлик ва шаҳар канализацияси хизматлари ҳақини тўлаб бориш лозим.

Сувдан фойдаланганлик ҳақини тўламаган абонентлар қўшимча огоҳлантириш берилмаган ҳолда сув таъминотидан узиб қўйилади.

Туйнукларни очиш ва кўчалардаги водопровод-канализация қудуқларига тушиш

ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ

Қудуқлар ичида ҳаёт учун хатарли бўлган заҳарловчи газлар мавжуд

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

ҲАМЗА ТЕАТРИ БИНОСИДА

Ж. ШАНИН НОМИДАГИ ЧИМКЕНТ ОБЛАСТИ ҚОЗОҚ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

гастроль репертуари

Б. Мухаев,
11 май — СЕРГЕДДЕНГ БЎЛГАН СЕРИЛАР
(2 пардали комедия)

К. Жетписбаев,
13 май — ТЎЙДАН КЕЙИН
(2 пардали драма)

Н. Гоголь,
8 май — УЙЛАНИШ
(2 пардали комедия).

С. Адамбеков,
9, 12 май — ЖЕСИНЛАР
(2 пардали драма).

10, 14 май — ТОМОША
(кулги кечаси).

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.
Касса соат 11 дан очиқ.
Мурожаат учун телефон: 44-24-47.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
8, 9 МАЙ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«ДЎСТЛАР ДАВРАСИГА МАРҲАМАТ!»

ҚАТНАШАДИЛАР!

Чимкентлик хушовоз хонанда
РУСТАМ ҒОИПОВ
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА
«Қизиқчи-89» конкурсининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕТОВ
ва
Гавҳар АМИНОВА, Бахтиёр ҚОСИМОВ, Ғайбулла НУРХЎЖАЕВ, Ўктам МЎМИНОВ иштирокида

ҚАТТА ҚОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Программани — Раҳматулла МИРЗАЕВ олиб боради.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Телефон 45-93-63.
Билетлар Спорт саройи ва СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/V да **Тўмарис,** 9/V да **Концерт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 9/V да **Байрам концерти,** 10/V да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/V да **Ғўзаллар ва миршаблар** (19.00), 9/V да **Кулги ва табассум кечаси** (16, 19.00).

КИНО

8 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40); **«ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ»** (кичик зал, 17, 19,30).

Чайка — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18,30, 20.45.).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21,00).

Фестиваль (ёзги) — **«ТАЗИИҚ ОСТИДА»** (20.40).

9 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20,40); **«ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ»** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30), **«СТАЛИНГРАД»** (16, 19.30).

Нукус — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00.)

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — **«ТАЗИИҚ ОСТИДА»** (20.40).

Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти томонидан **Пиритова Алиме** номига берилган 481489 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамза районидаги 67-кечки ишчи ёшлар мактаби томонидан **Джураева Мовжуда Васильджановна** номига берилган 022810 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

19-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Ҳамидов Бобуржон Қодирович** номига берилган 080173 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Акмал Икромов районидаги 75-ўрта мактаб томонидан **Иноятова Гулнора Адҳамовна** номига берилган 794262 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қибрай чанқовбосди ичимликлар комбинатига берилган йўқолган 47573-сонли ТОВАР ТРАНСПОРТ ЮК ҚОҒОЗИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов ноҳиясидаги 196-ўрта мактаб маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилоти шу мактабнинг илмий бўлим мудири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **Илёс ШОРАҲМЕДОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов ноҳия тиббиёт бирлашмасига қарашли 9-шифохона жамоаси шифокор **Мамлакат МУРАТОВАнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахона жамоаси босма цехининг раҳбари А. Тўйчиевга отаси **Тўйчи АЪЗАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси жамоаси илмий-методик бўлимининг бош библиографи Г. Ҳ. Саидбобоевага отаси **Ҳамид Маҳмудович ҲОЛМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10065.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.